## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

208 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва кўшимча киритиш хакида» 2011 йил 13 апрелдаги ЎРҚ—282-сон Конуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида» 2011 йил 13 апрелдаги ЎРҚ−282-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофик айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

## **У**збекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2011 йил 25 май, 150-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 150-сон қарорига ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 апрелдаги 98-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидалари 3-бандининг саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«радиоактив чиқиндилар — кейинчалик фойдаланиш учун мулжалланмаган, таркибидаги радионуклидларнинг активлик даражаси қонун ҳужжатларида белгиланган курсаткичлардан юқори булган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги моддалар».

2. Вазирлар Махкамасининг «Интернет тармогида Ўзбекистон Респуб-

ликасининг Хукумат порталига ахборотларни такдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўгрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) 1-илова 39-бандининг «Масъуллар» устунидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 августдаги 231-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 8-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўгрисидаги низом 2-бандининг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«радиоактив чиқиндилар — кейинчалик фойдаланиш учун мулжалланмаган, таркибидаги радионуклидларнинг активлик даражаси қонун ҳужжатларида белгиланган курсаткичлардан юқори булган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги моддалар».